

KEEPING CULTURE – SPECIFIC FEATURES AND CHARACTERISTICS IN TRANSLATION FROM KOREAN INTO UZBEK

Korece-Özbekçe Çevirilerinde Kültürel Özelliklerin Korunması

Jonibek ZAYNIYEV*

Öz: Çeviride, belirli bir kültürün belirli özellikleri ve kişilerarası iletişimin özelliklerini korumak önemlidir. Bir çevirmen, kaynak dilde ifade edilen iletişimsel hedefi çevirilecek dile aktarmak için çalışır. Bunu yaparken, ulusal-kültürel özellikleri ve kaynak dilin özelliklerini anlam kaybı olmadan ifade etmek önemlidir. Dilsel birimlerin doğru seçimi iki dilde zihinsel yönleri metnin duygusal etkileyciliğini vurgulamak için yardımcı olur ve okuyucunun metni daha iyi anlaması için yardımcı. Bu makalede, Korece kültüre özgü özelliklerin Özbekçe'ye tercümesi, Koreli yazar Pak In Sook tarafından yapılan eserlerin genç Özbek çevirmen M.Gafforova tarafından yapılan çevirileri incelenmiştir.

Çalışma sonucunda, kültüre has birimlerin kullanılmasının metni zenginleştirdiği ve metnin edebi amacı ile özellikleri arasında çok yakın ilişki olduğunu göstermiştir.

Anahtar kelimeler: çeviri, kültüre özgü birimler, Korece, Özbekçe.

Abstract: In translation, it is important to keep culture – specific features and characteristics of interpersonal communication in a given culture. A translator tries to transfer the same communicative goal expressed in the source language into the target language. While doing so, it is important to keep both national-cultural characteristics and linguistic features of the source language. The correct choice of linguistic units to express mental aspects of both languages helps to highlight the emotional expressiveness of the text and helps the reader understand the translated text better. This article studies how culture-specific features are translated from Korean into Uzbek. The analyzed stories are written by a Korean writer Pak In Sook and their translation is done by a young Uzbek translator M.Gafforova.

The study shows that the use of culture-specific units enriches the text and they are closely connected with text's literary characteristics and aim.

Keywords: translation, culture-specific features, Korean, Uzbek

*Samarkand State Institute of Foreign Languages Samarkand, Uzbekistan

Маълумки, тилшуносликнинг энг мураккаб соҳаларидан бири таржимашунослик ҳисобланади. Таржимашуносликка доир илмий асарларда бевосита таржимада миллий тийнатни қайта яратиш, маълум бир тилга хос бўлган образ ва образлиликни қайта тиклаш муммолари маълум даражада ўз ечимини топган бўлса-да, ўзбек таржимашунослигида корейс тилидан ўзбек тилига ўгирилган асарлар жуда камчиликни ташкил қилади. Ваҳоланки, корейс тилига доир бадиий асарларни ўзбек китобхонларига аслиятда етказиш, корейс халқининг ўзига хос миллий хусусиятларини ўзида ёрқин акс эттирувчи асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини, уларда қўлланилган лингвостилистик воситаларни ўзбек тилига таржима қилишда ментал жиҳатларни ҳисобга олиш ва бунда мазкур воситаларни қайта яратилишини таҳлил қилиш тилшуносликда таржима амалиёти ва назарияси учун фойдали бўлиши шубҳасиздир. Тийнат сўзи арабча бўлиб, характер, хулқ, табиат, феъл, яратилиш каби маъноларни ифодалайди.¹

Корейс ёзувчиси Пак Ин Сукнинг корейс халқининг ижтимоий турмуш тарзини ёритишга бағишланган ҳикояларидан айримларигина ўзбек китобхонларига маълум. Ушбу мақоламизда муаллиф ҳикояларидаги персонажлар лисоний портретларининг лингвистик бирликлар орқали ифодаланган образли тасвирларининг ёш таржимон Малоҳат Ғаффорова томонидан қилинган бевосита ва билвосита таржимада берилишини қиёслаб ўрганишга ҳаракат қилдик. Маълумки, таржимада мулоқотчиларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг миллий хусусиятларини сақлаб қолиш муҳим роль ўйнайди. Таржимон тилда мавжуд бўлган лексик, фразеологик ва грамматик бирликларни муомалага киритишда аслиятдаги ёзувчи ва асар қаҳрамонининг коммуникатив мақсади, унинг нутқ қаратилган шахсга бўлган муносабатини очиқ беришда ҳар икки миллатга хос хусусиятларни, ҳар икки тилга оид тушунчаларни тўғри танлашга интилади. Ҳар икки тилга хос ментал жиҳатларни ифодаловчи тил бирлигининг тўғри танланиши матндаги эмоционал-экспрессивликни кучайтиради ва китобхоннинг матн мазмунини тушунишини осонлаштиради. Тилшунос олим Н.Маҳмудов шундай фикрларни билдиради: “Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади”². Корейс тилига оид бадиий матнларда тийнат ифодаловчи бирликларнинг қўлланилиши асарнинг мазмуни, ғоявий-бадиий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Корейс ёзувчиси Пак Ин Сук қатор ҳикояларида маълум бир образ яратар экан, шу образ тийнатини ҳикоядаги ҳар бир воқеа-ҳодисага боғлаб талқин қилади. Ҳикояда Пак Ин Сук тасвирлаётган шахснинг номи, бадиий портрети, ички

¹ Навоий асарлари луғати. Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972. 608 бет.

² Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. 2006, №2 (11). Б. 51

хиссиётлари, рухий кечинмалари, воқеалар тизимида тутган ўрни ўзаро алоқадорликда бадиий тийнатни ҳосил қилади. Маълумки, тилдаги мавжуд сўзлар ва иборалар, ифода тасвир воситалари орқали ифодаланадиган образли кўринишларни таржима тилида қайта тиклаш таржимондан катта масъулиятни талаб қилади ва танланган тил бирликларининг аслият матнидаги бажарадиган лингвостилистик функцияларини, муаллиф томонидан қандай коммуникатив вазиятларда қўлланилишини билишни тақозо этади. Пак Ин Сукнинг “2 миллион йиллик муҳаббат” ҳикоясида тарбияси оғир қизнинг онасининг гапига кирмай, ўз билганича ҳаёт кечириши, бундан онанинг жуда каттиқ изтироб чекиши тасвирланган.

Пак Ин Сук буни қуйидагича таърифлайди:

밤 늦도록 집에 돌아오지 않는 날이 부지기수였고 특하면 사고를 쳐서
엄마의 애간장을 태우는 딸, 엄마의 주름은 늘어만 가고 딸이 빠진 수렁은
깊어만 갑니다.

“그런데요... 네? 경찰서라구요?”

경찰서에 잡혀 있으니 데려가라는 전화를 받던 날, 딸아이의 반항은 극
에 달해 있었습니다. 나쁜 친구들과 어울려 늦도록 술을 마시고 큰길에서 소란을
피우다 잡혀 왔다는 것이었습니다. 엄마가 경찰서로 달려갔을 때 딸아이는
엄마를 쳐다보지도 않고 말했습니다.

“제발상관마. 내가 어떻게 살든!”

엄마는 기가 막혀 아무 말도 할 수가 없었습니다.

딸은 엄마의 잔소리가 듣기 싫었습니다. 멋대로 살 테니 이제 제발
포기하라며 자꾸만 거칠고 모나게 뒤틀려 갑니다.

Қизнинг ўзига хос дунёқараши, атрофдагиларга ва воқелик фактларига муносабатининг шакилланиши ҳамда ичишни ўрганиб, хоҳлаганча яшаб, истаганча кўнгилхушлик қилишни одат қилиб қолганлигини кўрсатади. Ҳикоя охирида қахрамон тинатининг ўзгаришига сабаб бўлган воқеъяни қизнинг туғилган куни онаси тамонидан бир тош совға қилиниши ва бир хат колдирилиши тасвирланган:

이 둘의 나이는 20억 년이란다. 내가 널 포기하려면 아마 이까 그만큼의
시간이걸리겠지.....’

딸은 비로소 엄마의 사랑이 얼마나 크고 깊고 두터운지 깨달았습니다.
딸은 곧히 잠든 엄마의 머리맡에 앉아 조용히 속삭였습니다.

“20억 년은 너무 길다. 그러니까 엄마. - 나 포기하지 마.”

딸의 눈에는 눈물이 고였습니다.

딸은 그 밤, 긴 방황을 끝내고 엄마 품에 얼굴을 묻었습니다.

Кўринадики, миллий тийнатни яратишда қўлланувчи воситалар юқори бадиий-эстетик имкониятларга эгаллигини намоён қилади. Юқорида таҳлил қилинган ҳикояда тасвирланган киз хулқ-атвори бизнинг миллий менталитетимизга мос бўлмаса-да, она тийнатига хос хусусиятлар меҳрибон ўзбек аёллари характер хусусиятларини ёдимизга солади. Сўз ва иборалар бадиий матнда маълум бир вазифа-тийнат яратишга хослашиб, қахрамон характерининг эътиборли томонларини очиб беради, ўзининг предметлик, мантикий, эмоционал-экспрессив маъноларини персонажга сингдиради. Бадиий асарда қўлланилган тил бирликлари бадиий матннинг умумий қонуниятларига бўйсуниб, тасвирланаётган образ тийнатини яратишда ҳар хил вазифаларни бажаради. Пак Ин Сукнинг “Меҳрибоним” ҳикоясида аёл портретини акс эттирувчи лисоний бирликлар умумлашиб аёл бадиий тийнатини яратишга хизмат қилган. Тийнат яратишда иштирок этувчи воситалар ўрни билан асар қахрамони ёки маълум бир персонажни тавсифлайди, уни инсоний ахлокий меъёрлар асосида баҳолайди, умумий ҳолатда ғоявий-бадиий эстетик вазифа бажаради. Шуниси характерлики, Пан Ин Сук ҳикояларда персонажларни яхши ва ёмон деб гуруҳларга ажратмайди. Балки улар тийнатига хос белги-хусусиятларни кўрсатиш билан уларга муносабат билдириш ва баҳолашни китобхоннинг ўзига қўйиб беради. Бунда персонаж тийнатини очишга хизмат қилувчи лексик ва фразеологик бирликлар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Пак Ин Сукнинг “Атиги беш дақиқа” ҳикоясида аслият тилида корейсча “ўлмоқ» ва “қийналмоқ” маъносининг образли ифодаси корейс ва ўзбек тилларида турлича лисоний воситалар бирикуви орқали фразеологизмлар воситасида қайта яратилганлигини кўрамыз:

빨래를 널고 있던 어머니는 낮선 군인이 전해 준 한 통의 편지를 받아 들었습니다. 그것은 이 아들의 전사통지서였습니다.

전쟁터에서 고통스럽게 죽어간 아들의 모습이 떠올라 어머니의 가슴은 찢어질 듯 아팠습니다.

“흑흑.....흑흑.....”

금이야 옥이야 키운 자식, 기둥이고 하늘이었던 아들인데.....,

어깨를 들쩍이며 우는 어머니의 가슴에는 아들의 모습이 선명하게 떠올랐습니다

Маълумки, корейс тилида “ўлмоқ” маъносини ифодаловчи фразеологизмлар мавжуд. Ўзбек тилида эса бу маънони ифодаловчи ўндан ортик фразеологизмлар бор. Таржимон Малоҳат Гаффорова бу маънони беришда “ҳалок бўлмоқ” иборасидан ташқари “Осмонларга учиб кетмоқ” фразеологик ибораси билан ўгириб, аслиятга мос образли тасвирни қайта тиклаган. Бу индивидуал фразеологизм таржимоннинг матнда бадиий-эстетик таъсирчанликни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги, тил бирликларини танлашда юксак маҳорат эгаси эканлигидан далолат беради.

“Онамнинг туфлиси” ҳикоясида аслиятдаги персонаж рухий ҳолати-қийналганлигини М.Ғаффорова томонидан таржимада фразеолокик бирликлар орқали ўгирилиб, образлиликнинг сақланиб қолганлигини кўрамиз:

선영이는 아이들의 따가운 눈총을 받으며 진희에게 다가갔습니다.

“미안해 진희야. 내가 잘못했어.”

“아냐, 울아빠 신발이 너무 커서 넘어진 건데 뭐

선영이는 얼굴이 화끈 달아올라 아무말도 할 수가 없었습니다.

Бу гап таржимасида «корейсча қийналмоқ» маъносининг ўзбекча “қалбини жароҳатламоқ” фразеологизми орқали берилиши образлиликни янада оширишга хизмат қилган.

Хулоса қилиш мумкинки, таржимон Пак Ин Сук ҳикояларида персонажлар тийнати яратишда корейс халқига хос ментал хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ўзбек тилига мансуб бўлган ва мазкур ҳолатларда қўлланадиган лексик ва фразеологизмлардан фойдаланиб образлиликни қайта тиклашга муваффақ бўлган. Пак Ин Сук томонидан ифодалаш кўзда тутилган маъно таржимон томонидан турлича лексик воситалар орқали ифодалансада, аслиятдаги образлилик тўлиқ қайта тикланган деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

КОМИССАРОВ, В.Н. (1986) Лингвистика перевода. М.: Международное отношение, – 153 с.

КОМИССАРОВ, В.Н. (2001) Современное переводоведение. М.: ЭТС, – 424 с.

КОМИССАРОВ, В.Н. (1990) Теория перевода (лингвистические аспекты). М: Высшая школа, - С. 52-152.

Қудрат Мусаев. Таржима назарияси асослари. Т.: Фан, 2005. – 183-249 б.

МАҲМУДОВ Н.Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари.2006,N2(11). Б.51.

김문창. 국어 관용어의 연구 // 국어연구 30. 서울대 석사 학위 논문. 서울, 1974.

문종선. 국어 관용어 연구. 원광대 석사 학위 논문. 전라북도 익산시: 원광대학교, 1994. - 93 p.

박영순. 관용어에 대하여 // 선암이을환교수 화갑기념 논문집. 국어교육, 1985. - pp. 105-122.

심재기. 한국어 관용 표현의 화용론적 연구. 관악어문연구 11. 서울: 서울대 국문과, 1986. - pp. 27-54.

안경화. 한국어 속어의 유형에 대한 분석적 연구. 서울대 석사 학위 논문. 서울: 서울대학교, 1987. – 90 p.

양영희. 관용 표현의 의미 구현 양상// 국어학 26. 서울: 국어학회, 1995. - pp. 171-200.

옛센스 국어사전. [제 6 판] 서울: 전면개정판, 2006

외국인을 위한 한국어 문법 1. 서울: 커뮤니케이션북스, 2005. – pp. 313-460.

황수미. 국어 관용어의 의미론적 고찰. 고려대 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1994. – 67 p.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

<http://academic.naver.com/view.nhn?doc>

<http://www.nanet.go.kr>